

Истиқболли режалар келишиб олинди

Бутун дунёни ташвишга солган таҳликали пайтда, яъни COVID — 19 коронавирус пандемиясига қарши кураш кетаётган мاشаққатли, синовли дамларда халқимизнинг барча жабҳаларда бирдамлик ва мустаҳкам ишонч билан ҳаракат қилаётгани эътиборга молик. Президентимиз раҳбарлигида мамлакат равнақи йўлидаги муҳим қарорларни амалга ошириш йўлидан бораётган турли соҳа мутахассислари бугунги кундаги муҳим эҳтиёткорлик талабларига амалга қилган ҳолда эртанги куннинг истиқболли режалари устида ҳам ишламоқдалар.



Жумладан, Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчиҳонаси кўмагида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Туркия Ўрмон бош бошқармаси, Туркия Кастамону университети профессор-ўқитувчилари иштирокида соҳадаги илмий ва олий таълим йўналишларида истиқболли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича онлайн мулокот ва музокаралар ташкил этилди. Учрашув давомида ўрмончилик, ўрмон кадастри каби соҳаларда мамлакатларимиз олимлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, соҳанинг долзарб муаммолари бўйича қўшма илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларга Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Туркияning фан ва технологиялари ташкилоти грант маблағларини жалб этиш бўйича аниқ таклифлар кўриб чиқилди.

Мулокот чоғида соҳада мутахассислар ва талabalар алмашинувини йўлга қўйиш, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Тошкент давлат аграр университети билан Туркиядаги Кастамону университети ўртасида “Мевлана” ҳамда “Эрасмуз+” дастурларини имзолаш масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистонда Туркия университетлари билан биргаликда қўшма факультетини ташкил қилиш имкониятлари муҳокама қилинди. Томонлар халқаро пандемия туфайли жорий этилган чекловлар ниҳоясига етгач, Туркия университетлари вакилларининг Ўзбекистонга сафарини ташкил қилишга келишиб олишди. Ушбу ҳамкорлик амалий натижа ва самараларга бой бўлиши аниқ.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати